
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

**1
—
2019**

Тошкент

Иқтисодиёт ва таълим

1-сон
2019

МУНДАРИЖА

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ИННОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ

Беркинов Б.	Ўзбекистонни инновацион ривожланиш йўналишлари ва интеллектуал ресурслари.....	6
Иминова Н.А., Мухамадалиева Н.Б.	Развитие страховой деятельности – залог повышения эффективности инвестиционной среды.....	10
Салаев Д.С.	Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишининг иқтисодий ўсиши таъминлашдаги ўрни.....	17
Умаров Ф.У.	Макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда инновацион инвестиция фаол тадбиркорликнинг муҳим омили.....	24
Обидов С.М.	Миллый корхоналарни инновацион ривожлантиришда инновацион жараёнларни бошқаришнинг роли.....	29
Темирханова М.Ж., Матякубов С.Д.	Иқтисодиётни инновацион ривожланиши даврида инновацияларининг иш билан бандликка ва иқтисодиётта таъсири..	32

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА

Усманов А.С.	Производственный метод исчисления стоимости как методологическая основа реализации государственной экономической политики.....	37
Джураева С.Қ.	Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг прогноз вариантилари.....	42
Курбанова Да.А.	Ресурс тежамкорлиги масалалари.....	46
Курбанова М.Н.	Миллый иқтисодиётни инновацион модернизациялашда экспорт таркибини диверсификациялашнинг аҳамияти (хориж тажрибаси асосида).....	50
Исаджанов А.А.	Глобал иклим ўзгариши ва унинг Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ривожланишига таъсири.....	57

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ

Абдусаломов А.Б.	Сугурта фаолиятини самарали ташкил этишда маркетинг инструментларидан кенг фойдаланиш йўллари.....	65
------------------	--	----

БАНК ИШИ

БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

Мамадиев З.Т.	Тижорат банкларида масоғавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсири қиувучи омиллар таҳлили.....	71
Умарова М.Б.	Ўзбекистонда банк инфратизилмасини ривожлантиришга оид муаммо ва ечимлар.....	77

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЁТ, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И АУДИТ

Калонов М.Б.	Автомобиль транспорти корхоналарида хизмат кўрсатиш харажатларига таъсири қиувучи омиллар.....	83
Карлибаева Р.Х.	Акциондорлик жамиятларида жорий ва стратегик молиявий бошқариш.....	89
Ахмеджанов К.Б., Сатторов А.Х.	Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ташкил этишининг меъёрий-хуқуқий асослари.....	95
Исмаилова М.М.	Хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини таҳлил қилишнинг аҳамияти.....	98
Кувватов Ф.Б.	Молиявий ҳисбот элементларини прогноз қилиш: таҳлил ва холоса.....	103

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ПРОИЗВОДСТВО

Турсунов Б.О.	Наманган вилояти тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш кувватлариidan фойдаланиш динамикаси таҳлили...	116
---------------	--	-----

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

мақсадларда фойдаланиши учун омборга кирим қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда автомобиль транспорти корхоналарида жуда катта миқдордаги ишлатилган мотор мойларини кирими ва уларнинг ҳисоби билан боғлиқ муаммоларни кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда бир литр ишлатилган мотор мойлари қора бозорда ўртача 2 минг

сўмдан сотилишини ҳисобга оладиган бўлсак, автомобиль транспорти корхоналарида ишлатилган мотор мойлари ҳисобига ҳам етарлича молиявий барқарорликни ошириш мумкин. Мазкур турли юридик ва жисмоний шахслар, жумладан нефтни қайта ишлаш за-водларидан сотиб олиниши мумкин.

Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"си ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Файзиева У.Т. Юк ташувчи автотранспорт корхоналарида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудиторлик текширувани тақомиллаштириши. — Т.: ЎзР БМА, фан.монография, 2002 й.
3. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет: Учебник. - М.: Проспект, 2009 й. - 448 с.
4. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. -Т.: ЎзР БМА нашириёт маркази. 2012 йил.
5. «Sarbon-Neftegaz» АЖ корхонасининг ҳисоб сиёсати ва бошқа ҳисобот маълумотлари.
6. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқарни ҳисобини ташкил қилиш тамоиллари ва услубиёти. - Тошкент: Фан, 2005 й. - Б.144.
7. "Тошишахартрансхизмат" АЖ 2011-2016 йил иқтисодий режалаштириши бўлими маълумотлари.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ЖОРИЙ ВА СТРАТЕГИК МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ

Карлибаева Раја Хожабаевна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
"Корпоратив бошқарув" кафедраси доценти, и.ф.д.

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида жорий ва стратегик молиявий бошқариши билан боғлиқ муносабатлар, уларга таъсир этувчи омиллар, молиявий менежерларнинг тезкор режани тузиш жараёни билан боғлиқ муаммолар, уларни режалаштириши учун зарур молиявий-иктисодий ахборотларни тайёрлаш масалалари кўриб чиқилган.

Асосий тушунчалар: модернизация, диверсификация, корпоратив бошқарув, молиявий режалаштириш, тушум, молиявий назорат, контроллинг, молиявий салоҳият, тўлов тизими.

Аннотация. В этой статье рассматриваются текущие и стратегические вопросы финансового управления в акционерных обществах, факторы, которые на них влияют, процесс финансового управления и финансовая и экономическая информация, необходимая для их планирования.

Ключевые слова: модернизация, диверсификация, корпоративное управление, финансовое планирование, выручка, финансовый контроль, контроллинг, финансовые возможности, платежная система.

Annotation: This article discusses current and strategic financial management issues in stock companies, the factors that affect them, the financial management process, and the financial and economic information required for their planning.

Key words: modernization, diversification, corporate governance, financial planning, revenue, financial control, controlling, financial capacity, payment system.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида акциядорлик жамиятлари иқтисодий муносабатлар тизимидағи молиявий муаммолар босқичма-босқич бартараф этиб келинаётган бўлса-да, бу соҳада ҳали ҳал этишини кутаётган муаммолар мавжуд. Ҳусусан, турли тармоқларнинг истиқболдаги тараққиётiga салбий таъсир этувчи муаммолар қаторида жаҳон бозорида цикллик равишда кузатилаётган тебранишлар шароитида стратегик ривожланишнинг аниқ ва мукаммал алгоритмини шакллантириш

масаласи ҳам кун тартибидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг бешта устувор йўналишидан[1] учинчи устувор йўналиш сифатида "Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш" вазифаси негизидаги ислоҳотлар кимё саноати комплексини барқарор ривожлантириш ор-

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

қали нафақат миллий иқтисодиётдаги ролини оширишини таъминлайди. Қолаверса, янги ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини шакллантирувчи технологик тараққиёт тармоқдаги акциядорлик жамиятлари экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини яратади.

Ушбу вазифанинг устувор йўналишларидан бири саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларни, аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, фаолият юритувчи акциядорлик жамиятларида яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий тараққиётнинг комплекс вазифаларини мужассамлаштирувчи стратегик режаларни шакллантиришини талаб этилади.

Ушбу масала молиявий бошқарувнинг асосий амалий элементларидан бири бўлган жорий ва стратегик молиявий режалаштириш тизими уйғунлиги шароитида комплекс молиявий режалаштириш тизимини такомиллаштириши талаб этилади. Чунки ҳар қандай стратегик режа босқичма-босқич бажарилиши кўзда тутилган тактик вазифалар комплексини мужассамлаштирувчи жорий молиявий режалар призмасидан иборатdir.

Биз ушбу фикримизда стратегик режани ўзига хос архитектурасини тавсифладик. Ҳолбуки, Дуайт Эйзенхауернинг асосий масала режа эмас, балки режалаштириш тизими, деган фикрига асосланган ҳолда режалаштириш тизимини такомиллаштириш молиявий менежмент самарадорлигининг бош фундаментал омили ҳисобланади.

Россиялик иқтисодчи В.В. Репин ўтиш даври иқтисодиётига хос мамлакатларда корпоратив секторда молиявий режалаштириш тизимидаги муаммоларнинг ташки ва ички омиллар таъсирида куйидаги таркибий компонентларга эгалигини тавсифлайди[2].

Демак, молиявий режалаштириш соҳасидаги муҳим муаммолардан бири тезкор молиявий режалаштириш тизимини реал шарт-шароитларга асосланган ҳолда шакллантириш амалиёти билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам акциядорлик жамиятлари ўзига хос мураккаб микроиқтисодий тизими ифодалаб, молиявий менежментни самарали ташкил қилиш, унга юклатилган миссиянинг ижроси йиллик ёки кварталлик молиявий режалаштириш тизимига боғлиқ. Молиявий режа яқин ва истиқболли прогноз кўрсаткичларининг реал имкониятларга асосланган ҳолда шакллантирилганлиги, ундаги вазифалар корхона ички имкониятлари билан бирга ташки мухит шарт-шароитларидан келиб чиқишига боғлиқ,



1-расм. Молиявий режалаштириш билан боғлиқ муаммолар

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб тайёрланган.

Корхонада молиявий режалаштириш самарали тизимини ташкил этиш ўзаро боғлиқ босқичлардан иборат кўп режали амалий фаолият турдири.

Ҳозирги кунда жорий молиявий масалаларни ҳал қилишга муҳим эътибор қаратилган. Бу корхонадаги жами жорий тушум ва харажатларни ҳажм ва вақт нуқтаи-наза-

ридан мослаштиришга эришган ҳолда уларни қатъий назорат қилиш имконини беради.

Ўтиш даври шарт-шароитларига мувофиқ мамлакат иқтисодиётидаги тез ўзгарувчан мухит молиявий режажавинг ҳар бир сегмент бўйича белгиланган миссиянинг амалиётда реал кўрсаткичларга эришиш эҳтимоллиги ва мақсадлар дарахтининг ўзаро


мувофиқлигини таъминлаш ягона миссия натижавийлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Бошқача айтганда, молиявий режада белгиланган миссия реал ҳаётда объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, объектив омиллар тез ўзгарувчан бозор муҳити шароитида режани бажариш сифатига кучли таъсир этади.

Мамлакат иқтисодиётидаги тўлов тизими ёки глобал молиявий инқироз таъсирида жаҳон бозоридаги тез ўзгарувчан конъюнктура ҳам кимёсаноат корхоналари молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан биридир. Шунингдек, яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган молиявий режалаштириш тизимидағи муаммолар ҳам айнан ушбу омилга боғлиқ бўлмоқда. Навбатдаги муҳим масалалардан бири режани тузиш жараёнининг тезкорлиги ҳисобланади. Ҳолбуки, мукаммал тузилган режа ҳам белгиланган вақтдан кечикса самара бермайди. Аксарият акциядорлик жамиятла-

ри молиявий менежерлари учун тезкор режани тузиш жараёни билан боғлиқ муаммо бўлимлар ўртасида режалаштириш учун зарур молиявий-иқтисодий ахборотларни тайёрлаша ва уларнинг алмашинуви тизимили ташкил қилинмаганлиги ҳисобланади.

Қолаверса, режани итерацион мувофиқлаштириш жараёни узок муддат талаб қилиб, ахборотлар корреспонденциясининг етарли даражада бўлмаслиги ва шаффоғлиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келинмоқда. Ушбу ҳолат табиий равишида навбатдаги муаммо маъмуринг учун бошқарув қарорларини қабул қилишда шакллантирилган режанинг шаффоғлиги йўқолишига олиб келади. Тезкор молиявий режалаштиришдағи операциялар кетма-кетлигининг тизимили тавсифга эга бўлмаслиги натижасида ўрта муддатли адекват молиявий режа ва ўрта истиқболга молиявий стратегияни шакллантириш жараёнинг сифат жиҳатларига салбий таъсир этади.



2-расм. Корхонада молиявий режалаштириш комплекс тизими
Манба: Муаллиф ишланмаси.

В.В. Репин жорий молиявий режа обьекти нуқтаи-назардан мақсадлари векторига тўхталиб, жорий молиявий режани шакллантириш маълум қонуниятларга бўйсуниши, унинг асосий мақсади тақчил жорий актив-

ларни сифат ва миқдор жиҳатдан самарали бошқариш ҳисбланишини таъкидлайди [2]. Демак, жорий молиявий режа функционал бошқарув элементларидан бири сифатида асосан жорий активларни самарали бошқа-

лик режа чораклар кесимида шакллантирилади.

2-блокда биринчи чораклик режа ойлик режаларда муфассаллаштирилади. 3-блокда биринчи ойдаги режа ҳафталар кесимида муфассаллаштирилади. Ушбу блокнинг чикувчи маълумотлар оқимида чораклик (В блок) ва ойлик режалар (С блок) шакллантирилади. 4-блок кунлик ёки ҳафтадик маълумотлар банкини мужассамлаштириб, тезкор ҳисоб ва мониторинг функциясини мужассамлаштиради. Демак, 4-блок бошқарув ҳисоби жараёнларини тавсифланада асос бўлиб хизмат қилиб, назорат ва тезкор бошқарувнинг ахборотлар базасини ташкил этади.

5-блокда ойлик ҳисоб функцияси тавсифланади. Бу, ўз навбатида, бухгалтернинг функционал вазифаси ҳисобланиб, 4 ва 5-блок тезкор ҳисоб регистрлари маълумотларини бухгалтерия ҳисоби регистрларига ўтказиш жараёни таъминланади.

6-блокда жорий ойдаги режа кўрсатичларини бажариш натижалари бўйича кейинги ойнинг режасига тўгриланишлар киритилади. Демак, ушбу блокда ойлик режалаштириш ва назорат тизими уйғунаштирилади.

Ушбу жараён кетма-кетлиги 7 ва 8-блокларда (Е блок) ҳам кузатилиб, бу чораклик ҳисоб ва мониторинг тизими жараёнини мужассамлаштиради. Натижада йиллик таҳлил ва назорат амала оширилади.

Кейинги босқичда яхлитлаштирилган блоклар иерархияси ўзаро нисбатан кўйи даржалар декомпозицияси ёрдамида муфассаллаштирилади. Бу бизнес жараённи бошқаришнинг функционал элементлари: режалаштириш, тезкор бошқариш, таҳлил ва назорат тизимини ўзаро уйғунаштирувчи комплекс моделни ўзида ифодалайди. Ушбу моделни жорий қилиш биринчи навбатда тез ўзгарувчан бозор мұхитига бизнес жараённи мослаштириш имкониятларини яратади. Натижада, жорий активларга бўлган молиявий-эксплуатацион эҳтиёжлар тўғрисида тезкор қарорлар учун маълумотлар банки шакллантирилади.

Қолаверса, бўлимлар иш фаолияти ва уларнинг функционал вазифаларини аниқ чегаралаш ходимлар иш фаолияти самардорлиги оширилишига ва натижада маълум даражада юқори молиявий юқ ҳисобланувча маъмурий харажатларни қисқартириш имкониятларини яратади.

Юқоридаги режалаштиришга нисбатан жараёни ёндашувнинг ташкилий модели замонавий шароитларда компанияларда кенг кўлланилаётган контроллинг тизими нинг ташкилий архитектурасини ифодалайди. Ўзбекистон иқтисодиётининг замонавий тараққиёт босқичида саноат корхоналарининг самарали фаолиятини таъминлаш менежмент тизимида янги замонавий технологиялар ва усулларни жлрий қилишнинг мутлақ зарурлигини тасдиқламоқда. Контроллинг молиявий бошқарув тизимининг замонавий технология ва методларини мужассамлаштириб, фан-техника тараққиёти, хўжалик ҳаётидаги глобаллашув жараёнлари ва кучли рақобат шароитида бундай сифат менежменти элементларини акциядорлик жамиятлари амалий фаолиятига жорий этишини талаб этмоқда.

Россиялик иқтисодчи Ж.Ю. Уланованинг фикрича, мураккаб тизимни ўзида ифодаловчи замонавий корхоналарда шаклланган бошқарув тизимидаги номарказлаштириш жараёни кузатилаётган бўлиб, бу тез эскираётган ахборот оқими шароитида тезкор бошқарув тизимига эҳтиёж ишқтаи-назаридан содир бўлаётганлигини таъкидлайди[4]. Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот маконида ўзгарувчан бозор мұхитига тез мослашишга оид самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун контроллинг тизими кенг имкониятларга эга. Контроллинг корхонанинг функционал ташкилий тузилмасидаги барча бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириб, бошқарув органлари учун ахборот-таҳлил манбаларини шакллантиришга кўмаклашади. Контроллинг хизмати акциядорлик жамияти бизнес ва молия тизими барқарорлигини таъминлаши билан бирга ички заҳиралар тўғрисида тўлиқ ахборотларни шакллантириади. Бу, ўз навбатида, инновацион тараққиёт учун ички молиявий салоҳиятни тўғри баҳолашда мавжуд муммаларни ҳал қилиш бўйича конструктив таклифлар тайёрлаш имкониятларини намоён қиласи[3].

Контроллинг хизмати менежментни сифат жиҳатдан такомиллаштиришнинг институционал жиҳатларини ифодалайди. Молиявий контроллинг эса молиявий режалаштириш, молиявий ахборотларни шакллантириш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва назорат тизими каби воситаларни ифодаловчи яхлит контроллинг тизимининг маҳсус сегментидир.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ



4-расм. Молиявий контроллинг хизматининг ташкилий модели

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Молиявий контроллингнинг бош мақсади ликвидиликнинг белгиланган даражасини тазминлаш, яқин ва ўрта истиқболга тўлов қобилияти ва молиявий барқарорликни кўллаб-куватлаш, рентабелликни ошириш контекстидаги акциядорлик жамияти бозор қийматини ошириш ҳисобланади. Молиявий контроллинг хизмати ташкилий модели қўйидаги расмда келтирилади.

Демак, расмдан кўриниб турибдики, самарали молиявий контроллинг тизими З асосий таркибий элементларни мужассамлаштириб, бюджетлаштириш молиявий контроллингнинг бош механизмларидан бири ҳисобланади[5].

Акциядорлик жамияти молиявий салоҳияти ва унинг истиқboldаги ривожланиш стратегияси тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштиришда комплекс молиявий диагностика асос бўлиб хизмат қиласди. Комплекс молиявий диагностика қўйидаги асосий таркибий компонентларга асосланган кўрсаткичлар тизимининг кенг арсеналини мужассамлаштириши мақсадга мувоғиқ:

1. Капитал таркиби ва уни активларга инвестициялаш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

2. Акциядорлик жамияти молиявий ҳолати ва молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

3. Акциядорлик жамияти молиявий натижалари шаклланиши ва унинг тақсимланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

Самарали контроллингнинг тизими унинг услубий, дастурий-техник ва ахборот тазминоти тизимига боялиқ. Интегралашган риск-менежмент тизимининг асосий функционал вазифаси, молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида ташқи ва ички му-

хит таъсирида вужудга келувчи рискларни камайтириш ёки уларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш ҳисобланади. Масалан, ҳозирги шароитда саноатнинг кимё тармоғидаги аксарият корхоналарда молиявий режжанинг тизимли тавсифга эга бўлмаслигига таъсир этувчи омиллар қаторида мамлакатдаги мавжуд тўлов тизими билан боялиқ муаммоларни келтириб ўтиш мумкин. Тўлов интизоми билан боялиқ муаммолар юқори даражадаги муддати ўтган дебиторлик қарзларни юзага келтириб, харажат ва заҳирашларни тизимли бошқариш имкониятлари йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, активлар ва хусусан, жорий активларни сифат жиҳатдан бошқариш самарадорлигига салбий таъсир этмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида мавжуд корпоратив молиялаштириш тизими ўзига хос рашиддаги "Банк тизимига асосланган модел" дан "Молиявий бозорларга асосланган модел" га ўтётган бир шароитда иккиламчи бозорлар ривожланишидаги муаммолар аксарият акциядорлик жамиятлари капиталларни шакллантириша қарз капитали ва хусусан, унда жорий мажбуриятларнинг юқорилиги улар молиявий барқарорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бундай шароитда молиявий контроллинг акциядорлик жамияти молиявий хизмат тизими дуч келаётган юқоридаги ташқи ва ички муҳит билан боялиқ молиявий муаммолар кесимида истиқboldа молиявий салоҳияти оширишнинг мақбул алгоритмини шакллантириш имкониятларига эга.